

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҶОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

2-2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

М У Н Д А Р И Ж А

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

А.К.Ўринов, А.Н.Рафиков

Иккита сингуляр коэффициентли гиперболик типдаги тенгламанинг умумий ечимини
қуриш.....5

А.С.Бердышев, М.С.Азизов

Тўғри тўртбурчакда тўртинчи тартибли сингуляр коэффициентли тенглама учун аралаш
масала.....10

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

О.Деҳқонова, Ф.Юсупова

Умумий ўрта таълим мактабларида физикани ўрганиш самарадорлигини оширишда
интерфаол методларни қўллаш20

КИМЁ

Б.Саттарова, И.Асқаров, А.Жўраев, К.Киргизов

Табиий ва синтетик озиқ-овқат қўшилмаларининг фойдали ва зарарли хусусиятлари.....24

Ғ.Очилов, Г.Турсунова, Р.Карабаева, А.Иброхимов, М.Исақов

Мева данакларидан адсорбентлар олиш ва физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш.....27

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Р.Х.Максудов

Асаларичилик ва ушбу соҳа ривожидида олий маълумотли мутахассисларнинг ўрни31

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

Р.Қ.Қўзиев, Н.Ю.Абдурахмонов, Н.Ж.Халилова

Тупроқ унумдорлигини баҳолашнинг айрим жиҳатлари.....34

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

А.Гафуров, Г.Халматжанова, А.Мирзаев

Ўзбекистон иқтисодиётида инновация ва модернизация38

ТАРИХ

А.Маҳмудов

Усмон Хўжа Пўлатхўжаев ижтимоий-сиёсий фаолиятини ўрганишнинг манбашунослиги ва
тарихшунослиги42

Ў.Хошимов, Р.Шукурулаев

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида олий таълим муассасаларида кадрлар
тайёрлашдаги ўзгаришлар (Фарғона водийси мисолида).....46

Т.Хатамов

Ўзбекистонда халқ таълими тизимининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш,
хорижий тилларни ўқитиш ва кадрларни қайта тайёрлашда халқаро муносабатларнинг
илмий таҳлили.....50

У.Хўжамуратов

Ўзбекистонда ширкат хўжаликларидаги муаммолар ва уларнинг тугатилиши.....55

А.Алохунов

Фарғона қадимги шарқ илк деҳқон жамоаларининг миграциялари даврида.....60

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

Ж.Я.Яхшиликков, Б.Мирзарахимов

Жамият ҳаётига мафкуравий муносабатларнинг таъсири ва уларнинг намоён бўлиши
хусусиятлари64

Б.Ғаниев, М.Ғаниева, М.Неъматова

Ҳуқуқ фалсафасига доир қарашлар: назария ва амалиёт.....67

Ш.Аббосова

Глобаллашув шароитида жамият хавфсизлиги ҳамда мамлакат барқарорлигини
таъминлаш масалалари.....72

ХУҚУҚ ФАЛСАФАСИГА ДОИР ҚАРАШЛАР: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

Б.Ғаниев, М.Ғаниева, М.Неъматова

Аннотация

Мақолада ҳуқуқ тармоқлари тизимида ҳуқуқ фалсафаси тушунчаси, унинг моҳияти ва мазмуни очиқ берилган. Шунингдек, ҳуқуқ фалсафасининг таркибий элементлари, хусусан, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг ва конвенцион қисмларининг ўзаро алоқадорлиги атрофлича ўрганилган.

Аннотация

В статье раскрыто понятие и смысл философии права в системе правовых отраслей. Также всесторонне изучены взаимосвязь составных элементов философии права, в частности между правовой культурой, правовым сознанием и другими конвенционными составными.

Annotation

This article reveals the concept and meaning of the philosophy of law in the system of legal branches. The interrelation of the constituent elements of the philosophy of law, in particular between the legal culture, legal reason and other conventional components, is also comprehensively studied.

Таянч сўз ва иборалар: ҳуқуқ, ҳуқуқ фалсафаси, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг, процессуал, феноменологик, ислом ҳуқуқи, конвенцион.

Ключевые слова и выражения: право, философия права, правовая культура, правовое сознание, процессуальный, феноменальный, исламское право, конвенциональный.

Keywords and expressions: law, philosophy of law, legal culture, legal reason, procedural, phenomenal, Islamic law, conventional.

Ҳуқуқий тизимни махсус ўрганувчи ҳуқуқшунослик фанининг тармоқлари мавжуд. Ҳуқуқ фалсафаси жамият ҳаётига тегишли бўлган ҳуқуқий-меъерий масалаларни, давлатчилик нуқтаи назари билан фалсафий даражада ўрганувчи тармоқ ҳисобланади. Фалсафа қомусий луғатида ҳуқуқ фалсафасига қуйидагича таъриф берилади: “Ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни, ижтимоий назоратнинг бошқа ҳуқуқий усул ва воситаларини назарий-амалий жиҳатдан ишлаб чиқади[1,404]. Шунга кўра ҳуқуқ фалсафаси ҳуқуқий онгнинг маданий ва энг умумий дунёқараш масалаларини ўрганувчи тармоқдир”.

Ҳуқуқ фалсафаси фалсафанинг таркибий қисми сифатида жуда узоқ тарихий даврлар давомида шаклланди ва қарор топди. Қадимги Хитой (легизм), Ҳиндистон (буддизм), Греция ва Римда ҳуқуқ ва адолат, ҳуқуқ ва қонун, ҳуқуқ ва куч-қувват, ижтимоий қадриятлар тизимида ҳуқуқнинг ўрни ва роли каби масалалар ҳуқуқ фалсафасида фаол муҳокама қилинган. Ҳуқуқ аниқлик, қиёслаш ва мураса каби интилишларнинг қатъий талаби бўлиб, у, ўз навбатида, ҳокимият томонидан оддий ҳаёт неъматларидан жудо қилиш таҳдиди билан мустаҳкамланган (масалан, ҳаёт, озодлик, мулк).

Ҳуқуқда сабабийликнинг алоҳида тамойил сифатида намойиш бўлиши, муайян хатти-ҳаракатлар ҳокимият томонидан озодликдан ёки оддий ижтимоий-маиший воситалардан маҳрум қилиш йўли билан жазоланади. Ҳуқуқ фалсафасида ҳам барча ҳуқуқ нормалари каби жиноят жазосиз қолмаслиги, жазога тортиш мумкин бўлмаган ҳаракат жазоланмаслиги керак, деган

қоидага амал қилинади.

Немис классик фалсафасининг асосчиси Гегель ўзининг машҳур асари (“Рух феноменологияси” – “Рух бетакдорлиги”)да ҳуқуқ фалсафаси – ҳуқуқни руҳ сифатида ҳам шарҳлайди. Чунки, ҳуқуқ нафақат унинг бевосита соҳиби (шахс)га тааллуқли бўлиб қолмай, балки атрофдаги кузатувчилар (жамият) учун ҳам тегишли. Дин, ахлоқ, ҳатто маданиятни ҳам хатти-ҳаракати, мақсади, шахс мавқеига қараб таҳлил қилиш керак, бу эса, ўз навбатида, мазкур ҳаракатлар моддий кўринишга эга бўлиб, мураккаб рамзларига қараб шарҳлаш заруриятини намоён этади. Ҳуқуқ тушунчаси очиқ, муфассал тарзда берилиб, у мутлақ ва равшан, яъни объективлик кучи билан ўзини сездириш имкониятига эга. Шунинг учун ҳам ҳуқуқ тушунчасини фалсафий талқин қилиш учун ҳуқуқий атама ва матнларни илмий тафаккуримизнинг назарий хулосалар сифатида қараш мумкин, шунингдек, ижтимоий моҳият ёки ахлоқий меъёрлар тизими, ҳуқуқ назарияси сифатида қараш мумкин.

Ҳуқуқ жуда мураккаб тушунча бўлиб, уни талқин қилиш учун у тўғрисида юксак ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятга эришиш орқали жиддий фикрга эга бўлиш зарур. Ҳуқуқ фалсафасининг мазмун-моҳиятини ижтимоий адолат ташкил этишини инобатга олган ҳолда унинг долзарблиги масаласида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шундай дейди: “Ижтимоий адолат – бу, сиёсий қарашлари, жинси, миллати, тили ва диний

Б.Ғаниев – ФарДУ, фалсафа доктори (PhD).

М.Ғаниева – Фарғона вилояти Қувасой СКХК ўқитувчиси.

М.Неъматова – ФарДУ талабаси.

эътиқодидан қатъий назар, қонун олдида барча фуқароларнинг тенглигини таъминлашдир. Бу – таълим, тиббиёт ва бошқа соҳалардаги имкониятлар тенглигидир” [2,35].

Ҳуқуқ ўз-ўзидан объектив тарзда қандайдир маънога эга, умуман ва унинг алоҳида қоидаларини ўрганиш учун кўплаб жиддий ҳаракатлар амалга оширилади. Шу тарзда биз ҳуқуқнинг моҳияти ҳақида, унинг моҳияти ҳақида эса ҳуқуқ фалсафаси моҳияти асосида фикр юритамиз. Бу деган сўз, биз ҳуқуқнинг моҳиятини ҳуқуқнинг ўзидан ахтаришимиз керак. Ҳуқуқ ўзини ўзи англайдиган ғоя, демак, ғоянинг ғояси ҳақида фикр юритган бўламиз.

У идеал моҳиятга эга эканлигини назарда тутиш зарур. Ҳуқуқ тўла-тўқис ҳолича руҳ соҳасида бўлади, яъни руҳсиз ҳуқуққа ўхшаш ҳеч нарса йўқ.

Ҳуқуқ қатъий хатти-ҳаракатларни мустаҳкамлашнинг алоҳида, махсус шакли сифатида руҳнинг, ақл-идрокнинг бошқа шакллари билан биргаликда бевосита алоқада ҳаракатланади. Бу шаклларнинг ҳар бирининг устуворлиги, ҳуқуқнинг ўзида ҳам, ҳуқуқ ҳимояси характерида ҳам ўзининг белгиси, нишонини қолдиради.

Демак, ҳуқуқнинг ўзига юклатилган вазифаларнинг рўёбга чиқиши муайян ижтимоий-сиёсий, диний, ҳуқуқий-ахлоқий, маданий шарт-шароитлар билан боғлиқ бўлади. Тарихий жиҳатдан қарор топган шарт-шароитларда ҳуқуқ мазмун ва шакл жиҳатдан турли хил тарзда ўз вазифасини бажаради. Ҳуқуқшунос ва файласуф олимлар ҳуқуқ фалсафасини тарихий шарт-шароитлардан келиб чиқиб, қуйидагича шарҳлайдилар, яъни улар асосий эътиборни ҳуқуқ ҳаракатининг мазмуни ва характериға қаратадилар:

- жамиятда дин ҳукмрон мавқега эга бўлган шароитларда ҳуқуқ мазмунан диний, шаклланиш усули ижобий ва ҳаракат жиҳатидан жиноий бўлади ёки шундай ҳисобланади;

- ахлоқ ва ахлоқий меъёрлар ҳукмрон бўлган шароитларда ҳуқуқ биринчи навбатда мазмунан ахлоқий шакл сифатида олдинга чиқади, шаклланиш усули жиҳатдан табиий ва ҳаракати жиҳатидан конвенцион - белгиланган таърифга асосланади;

- жамиятда, ижтимоий муҳитда маданият ҳукмронлик қилган шароитда ҳуқуқ, энг аввало, мазмунан одатдагидек олдинга чиқади, шаклланиш усули жиҳатдан ҳаётӣ, ҳаракат жиҳатидан процессуал-ҳуқуқий бўлади;

- цивилизация талаблари ҳукмрон бўлган шарт-шароитларда ҳуқуқ, биринчи навбатда, мазмунан ҳўжалик юритишга оид бўлиб, шаклланиш усули жиҳатдан соф-тоза ва ҳаракат нуқтаи назаридан фуқаролик хусусиятига эга бўлади;

- сиёсат ҳукмронлик қиладиган шароитларда ҳуқуқ, биринчи навбатда, шаклланиш усули жиҳатдан зўравонлик, ҳаракати нуқтаи назаридан маъмурий-буйруқбозлик ҳисобланади. Диний, ахлоқий, оддий, ҳўжалик, полициявий ҳуқуқнинг диалектик характеристикаси, улар ҳуқуқ меъёрий мазмунининг манбаи ҳисобланади.

Юқоридаги фикрларимизни қуйида, ҳуқуқнинг турли соҳаларда бўлиш шакллари, мазмуни ва ҳаракатдаги кўринишлари ҳолатида мухтасар таҳлил қиламиз. Демак, юқорида қайд этилган ижобий, табиий, ҳаётӣ, ўзбошимчалик, буларнинг барчаси ҳуқуқни субъектив-феноменологик (ноёб) характеристикасини ифодалайди, булар ҳуқуқ ким томонидан ўрнатилган бўлса, у ўшанга хизмат қилишини кўрсатади, муҳими, тизимли мустаҳкам ирода, умумий келишув, кўпчиликнинг фикри, ақлий рационал манфаатлар, айрим шахслар ёки ҳокимият тизимининг маъмуриятчилиги каби омиллар асосида ҳуқуқ ўрнатилишини ифода этади.

Жиноий, конвенционал, процессуал (суд иши), фуқаровий, маъмурий томонлари-ҳуқуқнинг объектив-феноменологик характеристикасини билдиради ва ҳуқуқ унга бўйсунувчи, итоат этувчилар учун ўрнатилишини таъкидлайди. Улар ҳокимиятнинг буйруқлар тизими, жамоа шартномаси, обрў-эътибори бўлиш, авторитет, хусусий келишув, ҳокимият буйруқларининг тартибсизлиги каби турли хил зиддиятли ҳолатлар натижасида ҳуқуқ намоён бўлишини кўрсатади.

Амалиёт ёки тажрибага асосланган ҳуқуқ фақат ҳокимиятнинг қарор топган иродасини ифодаловчи ҳуқуқдир. Бундай ирода ҳуқуқи ҳокимият бўғинларини (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳуқуқи) ўзбошимчалик, суистеъмолчиликка қарама-қарши туради. Бу ижобий ҳуқуқнинг унга бўйсунувчилар томонидан қабул қилиниши баъзида унинг асл моҳиятидан маҳрум қилинган бўлиши ҳам мумкин ёки унинг моҳияти билан келишмаслиги мумкин. Мисол учун, босиб олиш ҳуқуқи босиб олинган халқ учун айнан ижобий бўлиши ҳам мумкин.

Ижобий ҳуқуқ ҳар қандай ҳуқуқнинг энг сўнги шакли, у объектив воқеликни муайян тажриба асосида ифодалайди. Ҳуқуқнинг ижобий бўлиши ва ҳуқуқнинг мазмуни қарор топиши учун маълум йўлни босиб ўтиши зарур. Аммо шундай вазиятлар бўладик, ҳуқуқда мавжуд бўлган қатъий талаблар ҳеч қандай қайта куриш ёки ташкил этиш босқичларидан ўтмасдан, дарҳол ижобий ҳуқуқ кўринишида объективлашади. Бу ўринда сўз одамлар муайян ҳаёт тарзида моҳиятни кўриб, уни бошқа кишиларга зўрлаб ўтказишга интилиш вазияти ҳақида бормоқда. Бундай шароитларда диний императив аниқ кучлар ёрдамида бевосита ҳуқуққа ўтади.

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

Жиноят ҳуқуқи — бу, шундай ҳуқуқ шаклики, унинг ҳар қандай моддасининг бузилиши охириги ва умумий хавф соладиган ҳаракатлар тизими бўлиб, жиноятларнинг максимал даражада қатъий жазоланишини талаб қилинади.

Жиноят ҳуқуқи диний ҳуқуқнинг характерли шакли ҳисобланади, модомики, жиноят ҳуқуқи учун расмий маънода хато, ножўя иш қилиш мумкин бўлмаганидек, диний ҳуқуқ учун ҳам мазмуний маънода ножўя хатти-ҳаракат тақиқланади: диний ҳуқуқдан ҳар қандай четга чиқиш, тўғри ва муқаддас ҳаёт тарзидан четга оғиш ҳисобланади, чунки диний ҳуқуқ энг сўнгги қадриятлар нуқтаи назаридан илоҳий ёки коинотдан ато этилган. Шунинг учун уларни бузиш фақат жиноят сифатида қабул қилинади ва жуда жиддий жазоланади.

Жамият ўз ҳаётини ахлоқ асосида қуриш қобилиятига эга бўлмай қолганида ва айни бир вақтда умум аҳамиятга эга бўлган урф-одатларнинг шаклланиши учун шарт-шароитлар бўлмаган ҳолатларда ҳуқуқ ахлоқ ҳуқуқига айланади. Бу ахлоқ ҳуқуқи минимумида ифодаланади, қайсики уни яшаб қолишини, умумий келишувга асосланган ҳуқуқий системани яратади. Ижтимоий келишув, ҳуқуқий шаклда ифодаланади, диққат билан қаралса, бу, ижтимоий шартномадир.

Табиий ҳуқуқ илмий адабиётларда “ҳуқуқ учун ҳуқуқ”, деб таърифланади ёки “метаправо”, деб аталади, яъни ҳуқуқий системаларни ўрнатиш учун умумий қоидалар уларга инсонларни мажбур қилиш мумкин (бу талаб нафақат мумкин, балки зарур) аммо мажбур қилишнинг усуллари ва тартибларини жорий этиш мумкин эмас. Ушбу фикрларни бир сўз билан ифодаласак, ҳуқуқнинг ўз-ўзини регламентга солишидир. Табиий ҳуқуқ асл бўлиши зарур, яъни бу таъриф ҳуқуқнинг ҳамма тизимлари учун мўлжалланган ва яроқли бўлиши керак. Бу конкрет системаларнинг қандай бўлишига қарамасдан, улар албатта юқори ҳуқуққа мувофиқ келиши, акс ҳолда ҳуқуқ статусига эга бўлмаслиги керак. Шундай қилиб, табиий ҳуқуқ ҳар қандай ҳуқуқнинг абсолют меъёрий базаси ва ўлчови, мезони ҳисобланади. Хусусан, табиий ҳуқуқ шундай қадриятларни ўз ичига оладиги, улар ҳамма кишилар томонидан бажону дил, ҳеч қандай гумонларсиз қабул қилиниши, ҳеч бўлмаганда кўпчилик томонидан эътироф этилиши мумкин бўлади. Табиий ҳуқуқнинг асосий муаммоси - бундай системанинг ҳақиқатан ҳам умуминсоний қадриятлар сифатида принципиал аҳамият касб этишидадир.

Конвенционал (таърифий) ҳуқуқ шундай ҳуқуқки, барча меъёрлар ҳокимиятнинг бир томонлама зўрлиги туфайли ўрнатилмайди, балки субъектларнинг ўзаро келишуви билан

ҳуқуқий нормалар ўрнатилади, ҳеч бўлмаганда формал рамзий тарзда кучларнинг тенглиги ва имкониятларини тан олиш тарзида бу ҳуқуқ шакли амал қилади. Табиий шартнома назарияси нуқтаи назаридан қаралганда, ҳуқуқ кучлар мувозанати сабабли ўрнатилади. Шартнома куч жиҳатдан тенг томонларнинг келишуви, кучни намойиш этишни ўзаро чегаралаш демакдир.

Конвенционал ҳуқуқ умумий (ижтимоий) шартномани ўз ичига олади, у шу ҳудуддаги барча одамлар ва алоҳида шахслар ўртасидаги шартнома принципларини ифодалайди. Шунга мувофиқ конвенционал ҳуқуқ ҳуқуқбузарлик жиддий даражаларга бўлинади — умумий шартномани бузиш жиноят сифатида баҳоланиши мумкин, жиддий — хусусий шартномани бузиш қайсики унда иштирок этувчи ғайриқонуний ҳаракат содир қилган бўлса.

Бундай ҳуқуқий системанинг ўрнатилиши, қайсики ҳар бир одам учун фақат шундай меъёрлар ҳақиқатни, қайсики ўзаро ихтиёрий имзоланган, ҳар қандай мажбур қилиш ёки босим ўтказишдан ҳоли, ҳушёр, қобилиятли ва бўлаётган воқеалардан тўла хабардор бўлиш (айнан шундай вазиятда бирор-бир томон манфаатларига ёки эркинлигига зарар етказадиган шартнома ноҳақиқий ҳисобланади), тўла ихтиёрий вазиятда келишувни имзолаш муҳим шартлардан ҳисобланади.

Ушбу реал ҳуқуққа энг яқини халқаро ҳуқуқ ҳисобланади. Халқаро ҳуқуқ турли хил давлатлар ўртасидаги фақат шартнома-битимлар системасига асосланган, уларнинг ҳар бири ушбу шартномаларнинг у ёки бу даражадаги тенг ҳуқуқли томонлари, деб эътироф этилган халқаро ҳуқуқ иштирокчилари ҳисобланади. Айна шуни учун халқаро ҳуқуқ ўзининг мазмуни билан у ёки бу даврга, босқичга қарамасдан, табиий ҳуқуқ сифатида эътироф қилинишига энг яқин. Модомики, давлатлар бир-бири билан алоқада умумий тил топиши ва энг умумий талаблар ва қадриятларга амал қилиши зарур экан, халқаро ҳуқуқ энг юқори даражада ахлоқий ҳуқуқ бўлишга интилади.

Оддий ҳуқуқ муайян жамиятда қарор топган системадан ўзининг меъёрларини оладиган ҳуқуқ шаклидир. Ҳамонки алоҳида кишиларнинг индивидуал одатлари ёки уларнинг ўзига хос гуруҳларига тегишли стереотипик характери жуда кам ҳолатларда қонунчиликда эътиборга олинади, оддий ҳуқуқнинг асосий маънавий манбаи бўлиб урф-одатлар хизмат қилади. Одатда кишиларнинг урф-одатлари уларнинг хулқ-атворида жамиятнинг кенг ижтимоий майдонида амалга ошади. Бунга ҳаётини анъаналар, яъни урф-одат туркумига кирадиган традициялар ҳам киради.

Агар дин ва ахлоқнинг меъёрлари кўп ҳолларда ўз борлигига, асосан вақтда кишиларнинг субъектив руҳида жойлашган

бўлса, айрим ҳоллардагина муқаддас ёзувларда ва санъатда рамзий тарзда намоён бўлса, маданият меъёрлари объективлашади ва субъективликдан ташқарида ўзининг тўлақонли борлигини ифодалайди, яъни ижтимоий фикрда ифодаланади. Ижтимоий фикр, гарчи алоҳида кишиларнинг фикрлари асосида вужудга келса-да, аммо уни бутунлай унга боғлаб қўймаслик керак. Ҳар бир инсонда объектив равишда қандайдир фикр мавжуд, у нимадир ташқарида ва мустақилдир. Шундай қилиб, онг, дин, ахлоқ меъёрлари ўзининг субъектив борлигига эга бўлиб, объектив нарсаларда ўз аксини топса, маданият меъёрлари, аксинча, ижтимоий фикрга ўзининг объектив борлигига эга бўлган ҳолда, алоҳида субъектлар томонидан ўзлаштирилиши мумкин.

Ушбу шарт-шароит муайян энгиллик яратадики, унинг ёрдамида маданият меъёрлари, урф-одатлар ҳуқуқ меъёрларига айланади: масалан, ижтимоий фикрни баҳолаш ҳаракати тадбирини озгина формаллаштириш ва уни ҳукм чиқариш учун танлаб олинган кишиларга ишониш, ушбу баҳолашнинг кучли оқибатини кўриш мумкин. Айнан, шу асосда англо-саксон ҳуқуқи шаклланиган (common law), одатий ҳуқуқнинг классик намунаси бўлиб қолган.

Шуни таъкидлаш зарурки, оддий ҳуқуқ – бу, албатта, оғзаки ҳуқуқ эмас, қадимги халқларнинг ҳуқуқи ҳам эмас, уларнинг кўпчилиги ҳуқуқ эволюциясининг бутун йўлини босиб ўтган. Оддий ҳуқуқ – бу, ҳар қандай ҳуқуқ, унинг меъёрлари ўз мазмуни-моҳияти билан бевосита урф-одатлар замирида вужудга келган, бу ҳар бир ҳозирги замон мамлакати учун характерли, бу ҳақда Буюк Британия тажрибаси гувоҳлик беради [3,86].

Ҳаётий ҳуқуқ ижтимоий онгнинг ёки у ёки бу меъёрларнинг актуаллашуви натижасида шаклланади ёки жамоанинг коллективнинг ғайришуурий фаолиятида, онгсиз равишда вужудга келади. Бундай актуаллашув муайян меъёрларнинг бузилиши шароитларида юз беради, вужудга келган бузилишлар жамият томонидан ташкилланган кучни қўлланишнинг зарурлигини келтириб чиқаради. Шундай қилиб, ҳаётий ҳуқуқнинг намоён бўлиши ҳуқуқни амалга ошириш жараёнида юз беради.

Оддий ҳуқуқнинг объектив - маънавий асосларини ҳаракатчан ва ўзгарувчанлиги шароитида унинг яшашининг қатъий ягона шакли кўпроқ ва кенгроқ формаллаштирилган баҳолаш ва ҳукм чиқариш тадбири бўлиб қолмоқда. Айнан шунинг учун ҳам англо-саксон ҳуқуқи суд қандай ҳукм чиқаришини олдиндан айтиб берувчи восита сифатида таърифланади. Бошқача қилиб айтганда, оддий ҳуқуқнинг устувор ва белгилловчи шакли процессуал ҳуқуқ ҳисобланади.

Процессуал ҳуқуқ одил судлов принципларини ўз ичига олади ва жамиятнинг у

ёки бу қилмишига тўғри, ҳақиқий муносабатини аниқлашни амалга оширади. Шу муносабат билан процессуал ҳуқуқ учун қонунбузарларни максимал даражада чуқур ва батафсил иерархик босқичи – баҳолаш тизими мавжуд, ҳуқуқбузарлик ўз ичига жиноятни, ғайриқонуний ҳаракатни, ножўя ишни олади.

Хўжалик ҳуқуқи иқтисодий манфаатлар меъёрларини акс эттирадиган ҳуқуқ ва рационал регламентлаштиришга йўналтирилган. Иқтисодий манфаат инсонни оддий фаровонлик томон йўналтиради. Яъни унга кундалик фаолият орқали бевосита эришиш мумкин. Оддий ординар фаровонлик ўзининг чекланганлиги билан характерланади. У маълум вақт ичида ўз имкониятларини тугатади, кўнгилсизликка олиб келади, мол-мулкнинг маълум субъектлар ўртасида тақсимланиши рўй бериб, рақобат предметига айланади.

Ўзининг йўналиши билан иқтисодий манфаат ҳуқуқ соҳасига киради. Моҳият шундаки, ҳуқуқ қандай қадриятлар – диний-ахлоқий ёки маданий бўлмасин, ўзининг меъёрларини инсоннинг оддий, ординар манфаатлари воситасида амалга ошириши мумкин. Жазолаш ёки рағбатлантириш инсоннинг фақат оддий ҳаётига тааллуқли бўлади, унинг кундалик ҳаётий эркинлиги, унинг жисми, мулки, ижтимоий ҳолати ва бошқаларга ҳам уларнинг барчаси ординар - оддий фаровонлик. Шундай қилиб, иқтисодий манфаат руҳнинг ҳукмрон шакли бўлиб қолганида, яъни кишиларни ва бутун жамиятнинг бош мақсади - манфаати бўлиб ўрганилганда, ҳуқуқ ниҳоят ўз-ўзини танийди ва тўла мустақилликка эришади, у дин, ахлоқ ва маданиятнинг таъсир ўтказиш воситаси бўлмайди, аммо ўзи қадрият ва ўзининг мақсад йўлига айланади.

Соф ҳуқуқ фақат битта рационаллик асосида шаклланидиган ҳуқуқ ҳисобланади. Бундай ҳуқуқ фақат ва фақат ички мантиқ ҳисобига шаклланади, қайсики ҳеч қандай ташқи шарт-шароитлар билан ҳисоблашмасликка интилади. Бунинг устига шубҳа қилиш ноҳуқуқий идеаллар бўлиб қолади, худди шундай ҳолатга ҳокимиятнинг ўзгариб турувчи даъволари ҳам тушиб қолади.

Модомики, соф ҳуқуқнинг диққат марказида манфаатлар турар экан, иқтисодий айланишлар билан боғлиқ бўлган манфаатлар ётар экан, унинг ҳукмдор шакли фуқаролик ҳуқуқи ҳисобланади. Фуқаролик (цивилизациялашган) ҳуқуқ умумий иқтисодий манфаатлар билан кўпдан-кўп хусусий манфаатлар ўртасидаги зиддиятларни олиб ташлаш сифатида юзага чиқади ва натижада вужудга келадиган тортишувлар ҳал этилади. Конвенционал ҳуқуқнинг онтологияси тарзида умумий манфаатларни ҳимоя қилувчи ва софлигини сақловчи ҳуқуқнинг бузилиши жиноят

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

сифатида баҳоланади, шунингдек, хусусий манфаатларнинг бузилиши ғайриқонуний ҳаракат сифатида сақланади.

Ҳуқуқ ҳокимиятнинг хусусий манфаатлари хизматкорига айланган тақдирда, бу, сиёсий ҳуқуқнинг бузилиши демакдир. Шунинг учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун ҳуқуқнинг устувор шакли маъмурий ҳуқуқ ҳисобланади. Яъни, кишиларнинг феъл-атворини бошқариш учун қулай шакллар ва

усулларга олиб бориш ва чинакам ҳуқуқни поймол қилиш ҳисобланади.

Шундай қилиб, ҳуқуқ фалсафаси назария ва амалиётнинг бирлигига асосланади, инсон манфаатларига қаратилган ҳуқуқ, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқ шакллари дин, ахлоқ, маданият, сиёсат каби мустақил элементлар ҳуқуқ фалсафасини ёритишга хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Фалсафа қомусий луғат. - Т.: Ўзбекистон фалсафуфлари миллий жамияти нашриёти, 2004.
2. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. - Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2018.
3. Хаитов Ш. Муроса ва Ўзбекистон фалсафа тарихига кириш. - Т.: Ўзбекистон фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2010.
4. Тихонов В.Ю. Философия. - М.: Высшее образование, 1999.
5. Фролов И.Т. Перспективы человека.- М.: Политическая литература, 1979.
6. Крапивенский С.Э. Социальная философия. - М.: Владос, 1998.
7. Философия. Толерантность, глобализация. Восток и Запад - диалог мировоззрений. Программа VII Российского философского конгресса. УФА. РНЦ БашГУ, 2015.
8. Философский энциклопедический словарь. - М.: Наука, 1983.

(Тақризчи: Т.Абдуллаев – фалсафа фанлари доктори, профессор)